## Дараклар

### Эронда АҚШ олими ҳибсга олинди

Эрон парламентининг хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича қўмитаси маълум қилишича, асли эронлик, ҳозирда Америкада яшаётган Дарвеш Зоҳидий махсус хизмат вакиллари томонидан ҳибсга олинган. Зоҳидий Эроннинг давлат ва ҳарбий сирларини ўзлаштирганлик ҳамда жосусликда айбланмоқда. Ҳозирги сўроқ жараёни ҳақида маълумот берилгани йўқ.

"Франц-пресс" ахборот агентлиги хабарига қараганда Оқ уй расмийлари Зоҳидийнинг ҳибсга олинганидан хавотирда эканликларини билдиришган.

### Шрёдер сиёсатига қарши норозилик



Германия пойтахти Берлинда кўпминг кишилик норозилик намойиши бўлиб ўтди. Маълумотларга қараганда, унда 100 мингдан зиёд киши иштирок этган. Намойишчилар айни вақтда ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотларга норозилик билдириб, бу тахлит ислоҳотларни тўхтатишни талаб қилишган.

Хабарингиз бор, Германия ҳукумати охирги вақтда мамлакат учун бош муаммо бўлиб турган бюджет тақчиллиги ва иқтисодий масалаларни ҳал этиш учун янги ижтимоий ислоҳот дастурини ишлаб чиққан эди. Унда фуқароларга солинажак солиқлар миқдори оширилиши ва нафақа миқдори пасайтирилиши кўзда тутилган эди. Берлин намойишида айни шу ислоҳот ташаббускори бўлган канцлер Герхард Шрёдер касаба уюшмалари томонидан ўғирлик ва хизмат вазифасини суиистеъмол қилганликда айбланди.

### Маочилар партияси — қора рўйхатда

АҚШ Непалдаги Маочилар партиясини дунё террорчи ташкилотларининг қора рўйхатига тиркаб қўйди. Бу ҳақда Қўшма Штатлар давлат котиби ўринбосари Ричард Арамтан оммавий ахборот воситаларига маълум қилди.

Маочилар ташкилоти кўп вақтдан буён Непал ҳукуматига қарши қурол билан курашиб келмоқда. Биринчи навбатда ҳокимиятга қарши Маочилар томонидан шу пайтга қадар ўнлаб қўпорувчилик ҳаракатлари содир этилди. Портлашлар уюштиришди. Маълумотларга кўра, сўнгги етти йил ичида кураш гуруҳи уюштирган террорчилик актларида 8 мингга яқин киши ҳалок бўлган. Шуни айтиш керакки, Непал ҳукумати Маочилар таҳдидини тўла бартараф эта олмаяпти.

### Вертолёт ҳалокатга учради



Ироқда АҚШ ҳарбий қўмондонлигига қарашли вертолёт авиаҳалокатга учради. Бунинг натижасида 13 нафар Америка ҳарбийси ҳалок бўлди ва 20 га яқини жароҳатланди. Фожеа тафсилотлари ҳам маълум эмас. Аниғи шуки, ҳарбий вертолёт пойтахт Бағдод томон кетаётган бўлган. Сўнгги пайтда Ироқда бу каби фожеаларнинг кўпайиб бораётгани халқаро ҳамжамият хавотирига сабаб бўлмоқда. Ҳафта якунида Сурия, Эрон, Миср, Ливан ва бошқа Ироққа қўшни мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари учрашувида ҳам айни шу масала муҳокама марказида бўлди. Вазирлар Ироқда хавфсизлик ва тинчликни сақлаш бўйича амалий чора-тадбирлар кўришга келишиб олишди.

### МАГАТЭ Теҳрондан мамнун

Атом энергияси бўйича халқаро агентлик – МАГАТЭ мутахассислари Эронда текширув ва тадқиқотни давом эттирмоқдалар. Ташкилот раҳбари Муҳаммад ал-Бародийнинг билдиришича, текширувлар кўнгилдагидек ўтмоқда. Шунингдек, МАГАТЭ бошчилиғи бу борада Теҳрон ҳукумати кўрсатаётган ёрдам учун ўз миннатдорчилигини билдирди. Ал-Бародийнинг таъкидлашича, Эрон ҳукумати мамлакатдаги атом тадқиқотлари тўғрисидаги барча маълумотларни халқаро экспертларга тақдим этган. Хабарингиз бор, бир неча ҳафта олдин МАГАТЭ Эрон ҳукуматининг ташкилот билан фаол ҳамкорликка чақирган эди. Акс ҳолда Эрон масаласида махсус резолюция қабул қилиши мумкинлиги ҳам айтилган эди. Ана шу чақириқ сабаб бўлиб, айни вақтда халқаро агентлик кузатувчилари мамлакатда текширув ишларини олиб бормоқда.

### Японияда зилзила



Япониянинг шимолий шарқида, аниқроғи, Токиодан 150 км дан ортиқ масофада жойлашган Фукусима шаҳрида ер силкиниши рўй берди. Зилзила кучи Рихтер шкаласи бўйича 5 балдан ошди. Табиий офат натижасида ўнлаб киши қурбон бўлган. Аҳоли турар-жойлари вайронага айланган. Маҳаллий ҳокимият зудлик билан офат оқибатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўришга киришган.

**Абдул СОБИР**
**тайёрлади**

## Тарих

# МУССОЛИНИ ҲОКИМИЯТГА ҚАНДАЙ КЕЛГАНДИ?

Фашизм деганда кишилар тасаввурида 1930-йиллар Германияси жонланади. Вайронкор ғоя шу ерда "мумтоз" даражага кўтарилиб, бутун бошли давлатнинг ягона мафкурасига айлантирилгани учунми, кўпчилик олмон юртини фашизм ватани деб билади. Аслида эса инсоният бошига мислсиз кулфатлар ёғдирган бу оқим дастлаб Италияда 1920-йилларда юзага келган...

**МАҒЛУБИЯТГА ТЕНГ ҒАЛАБА**

Италия Антанта мамлакатлари (Франция, Россия, Буюк Британия) нинг ширин ваъдаларига учиб, Биринчи жаҳон урушига қўшилганди. 1916 йилга махфий битимга мувофиқ, бир қатор ҳудудлар Рим тасарруфига ўтиши зарур эди. Бироқ уруш тугаб, ўлжалар тақсимланаётган вақтда Италияга теккани Жанубий Тироль ва Триест порти бўлди. Бундан бошқа талаблар рад этилди. Лондон ва Париж ўз ваъдаларини бажаришдан бош тортди. Урушнинг бу тахлит якунланиши ғолиблар орасидаги мағлуб мамлакат — Италиядаги сиёсий инқирозни янада чуқурлаштирди. Ана шу вазиятда ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлмаган Италия коммунистик партияси мамлакатдаги етакчи сиёсий кучга айланиб қолди. Ҳукмрон доиралар эса коммунистик тўнтариш хавфини сезиб, унинг олдини олиш йўлларини қидира бошлашди. Улар наздида янги пайдо бўлган фашизм ҳаракати ва унинг йўлбошчиси Бенито Муссолинига давлат сиёсий саҳнасидан жой бериш Италияни коммунизм балосидан сақлаб қолишнинг энг оқилона йўли бўлиб туюлди. Шундай бўлди ҳам. Бироқ мамлакат ёмғирдан қочиб, дўлга тутилгани кейинроқ маълум бўлди.

**"ДАҲО"НИНГ ТУҒИЛИШИ**

Фашизм "отаси" Бенито Муссолини 1883 йили Романья вилоятида темирчи оиласида туғилди. Аввал ўқитувчилик қилди. Муаллимликдан ҳайдалгач, ишчи бўлиб ёлланди. Ана шу даврдан у сиёсий ҳаракатларда фаол иштирок эта бошлади. 1919 йилда фронтдан қайтган аскарларнинг "Фаши де комбаттименто" ("Қуролдошлар уюшмаси") деб номланган ташкилоти пайдо бўлди. Ташкилотга Муссолини асос солди ва раҳбарлик қилди. Шу тариқа шафқатсиз тузум рамзига айланган "фашизм" (итальянчада "боғлам, даста" маъносида) ҳаракати юзага келди.

Муаррихлар фашизмнинг Италияда тез муваффақият қозонишида Муссолинининг шахсий сифатлари катта ўрин тутганини ёзишади. У қадимги римликларда "доҳий" маъносини берувчи "дуче" сўзини ўзига унвон қилиб олди. Фашист йўлбошчиси кўп минг кишилик оломонга қарата таъсирчан сўзлар билан мурожаат қилиб, амалдорларни, ҳукуматни танқид қилар, барча муаммоларни бартараф этишга ва Италиянинг қадим улуғворлигини тиклашга ваъда берарди. Биринчи жаҳон урушидан кейин ҳаётни яхшилаш орзулари саробга айланган айрим итальянлар қисқа муддатда жамики қийинчиликларни тугатишга ваъда бераётган "дуче"га ишонарди ҳам.

Маҳаллий ҳокимият ва полициянинг хайрихоҳлиги билан бутун Италияда фашист ташкилотлари тузила бошлади. Янги ҳаракат мамлакат бўйлаб фавқулодда тез суръатда ёйилиб борар, Муссолини шавкатли кунлари яқинлашаётганини сезиб турарди. 1921 йилги сайловда фашистлар парламентда 35 ўринга эга бўлди. Дастлаб кичик шаҳарлар, кейинроқ Ломбардия, Эмилия, Тоскани каби нуфузли вилоятлар ҳам миллатчи партия назоратига ўтди.

**РИМГА ЮРИШ**

1922 йилнинг октябрида фашистлар ўз вакилларига бир неча вазирлик лавозими бериш талаби билан ҳукуматга мурожаат қилишди. Мурожаатномада агар талаб бажарилмаса, Римга қарши уруш бошланиши ҳам писанда қилиб ўтилганди (бу пайтга келиб, аллақачон қора либосли фашист армияси тузилган эди). Бироқ қирол Умберто II кутилмаганда исёнга қарши армияни сафарбар этиш тўғрисидаги фармонни имзолашдан бош тортди. Боз устига, у Миланга телеграмма юбориб, Муссолинига бош вазирликни таклиф қилди. Бундан норози бўлган ҳукумат шу вақтнинг ўзида истеъфо берди. Қирол илтифотидан боши осмонга етган Муссолини эса пойтахтга қанот бойлаб учиб келди. Тарафдорлари уни қадим Рим кўчаларида ҳукумат бошлиғи сифатида олқишлар билан кутиб олдилар. Римга юриш ҳокимиятни эгаллаш билан якунланди.

Юзаки қараганда, Муссолини ҳокимиятга қонуний йўл билан келгандек туюлади. Чунки қирол истаган вақтда бош вазир тайинлаш ҳуқуқига эга эди. Бироқ аслини олганда, "дуче" тарафдорлари парламентда озчиликни ташкил қиларди: 420 депутатдан бор-йўғи 35 таси фашист партиясидан эди. Шу боис етарли куч тўплай олмаган бош вазир дастлаб демократик партиялар ва мухолиф матбуот билан муросаи мадора қилиб туришга мажбур бўлди. Бироқ вақтни қўлдан бермай, янги доҳий шахсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун шиддатли ва қатъий ҳаракатга киришди. Бу йўлда у биринчи бўлиб Конституцияга зид равишда Катта фашист кенгашини тузди. Кенгаш амалда парламентга тақдим этилаётган барча қонунларни назорат қиларди. 1922 йилнинг 23 ноябрида қирол ва қўғирчоқ парламент Муссолинига чекланмаган ҳокимият берди. Энди у мансабдорларни истаган тартибда тайинлаш ваколатига эга бўлди. Шундан кейин барча амалдорлар ва давлат хизматчиларининг фашист партияси аъзоси бўлиши зарурлиги асосий шарт сифатида белгилаб қўйилди.

**БУЮК ДАВЛАТ ОРЗУСИ**

Орадан кўп ўтмай, "дуче"нинг тазйиқи билан парламент сайлов тартибини ўзгартирди. Янги қонунга биноан, сайловда энг кўп овоз олган партия ўз-ўзидан депутатлар палатасидаги ўринларнинг учдан икки қисмини эгалларди. 1924 йилги сайловда фашист партияси ғалабага эришиб, депутатлар палатасини тўла назоратга олди. Бу имкониятдан партия мамлакат қонун чиқарувчи ҳокимиятини узил-кесил маҳв этиш йўлида фойдаланди. Янги парламент қабул қилган ҳужжатлар эса Муссолинига амалда якка ҳукмронлик ўрнатишга кенг йўл очиб берди. 1926 йилга келиб, Италия бир партияли диктаторлик давлатига айлантирилди. Парламент фаолияти ҳам узоққа бормади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг сайланувчи палатаси ўрнига фаши де комбаттименто ва корпорациялар палатаси тузилди. Қизиғи, палата таркибига тайинланувчи (!) депутатлар киритилди. Фашист партияси эса давлат бошқарув тизимига қўшиб юборилди.

Оммавий ахборот воситалари қамишдан белбоғ бойлаб, "буюк доҳий"га хизмат қила бошлади. Дорилфунунларда профессорлар "дуче"га содиқликка қасамёд қилдилар. Энг ёмони, ўсиб келаётган авлод фашистларнинг болалар ва ўсмирлар ташкилотига жалб этилди. Бу ташкилотлар фаолияти бошдан-оёқ ҳарбийлаштирилган эди. Мақсад — яқинлашиб келаётган урушда "доҳий" учун жон фидо қиладиган манқурт фашист аскарини тарбиялаш эди.

Муссолинининг юрагига аждоди Юлий Цезарь каби жаҳонгирлик ҳаваси тушганди. Шу боис ҳам у ҳокимиятни эгаллаши билан "Буюк Италия" давлати ташкил этажагини тантана билан овоза қилди. Фашист йўлбошчисининг хомхаёли бир вақтлар Рим империяси таркибига кирган барча ҳудудларни бирлаштириш эди. Шу тарзда мамлакат ҳарбийлашиш йўлига ўтди. Жадал суръатда ҳарбий-денгиз флоти ва авиация қуришга киришилди. Оз муддат ичида Муссолини "жаҳонгирлик" юришини ҳам бошлаб юборди. 1935 йилнинг октябрида фашист армияси Эфиопияга уруш эълон қилмай бостириб кирди ва Ҳабаш ўлкасини ишғол қилди. Миллатлар Лигаси Италия ҳукуматининг босқинчилик сиёсатини қораловчи резолюция қабул қилди. Бироқ "дуче" Лига талабларига қулоқ осиб ўтирмай, фашистлар Германияси билан яқинлашишга интилди. 1939 йилнинг 22 майида Германия ва Италия ўртасида ҳарбий иттифоқ тузиш тўғрисидаги "Пўлат битим" имзоланди. Ана шу битим Иккинчи жаҳон уруши бошланишини бир неча йилга тезлаштириб юборди...

**Собиржон ЁҚУБОВ**
**тайёрлади**

## Мулоҳаза

# ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

### *Уни нечоғли ўзлаштираяпмиз?*

Бугун оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий маданият ҳақида кўп ва хўб ёзилмоқда. Лекин шундай бўлса-да, кишиларимизда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши жуда ҳам суст кечаётгандай. Фуқароларимиз орасида ҳали ҳам қонунларга беписанд муносабатни, эътиборсизликни ёки унга ишончсизлик ҳолатини кузатиш мумкин. Бу каби ҳолатлар сабабини бир жумла билан изоҳласа бўлади: ҳуқуқий билимсизлик. Кишилармизда эски даврдан мерос бўлиб қолган нотўғри бир тушунча бор: "Қонун фақат "орган" ходимлари, прокурору судья учун зарур, оддий инсонларга унинг кераги йўқ" деган. Ҳатто баъзилар "Қонунларга ишинг тушмасин" деб ҳам қўйишади. Аслида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида қонун ҳукмрон бўлиши зарур. Бунинг учун эса аввало аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга тўғри келади. Албатта, ҳуқуқий билимлар таом ёки сув эмаски, уни истеъмол қилиш билан киши лаҳзада "закунчи"га айланса. Ҳуқуқий маданият бирданига пайдо бўлмайди, у маълум фурсат давомида шаклланади, сайқал топади. Уни ўзлаштириш учун мактаб ёки университет партасида ўтириш шарт эмас, ҳар бир инсон ҳуқуқий билимини бутун ҳаёти давомида ошириб бориши зарур.

Кўпчилик Ғарб мамлакатларида қонун устиворлиги олий даражага етганига ҳайрат ва ҳавас билан қарайди. Дарҳақиқат, демократик жамиятларда иқтисод, сиёсат, маданият дейсизми ёки унчалик кўзга ташланавермайдиган маиший муносабатлар дейсизми, хуллас, ҳаётнинг барча жабҳасида қонун ҳукмронлиги ўрнатилган. Бундай жамиятларни давлат ёхуд ҳукумат эмас, қонун бошқаради. Қонун ривожланган демократик давлатларда қадрият даражасида эъзозланади. Оддий мисол. Бундан бир неча ой муқаддам Би-би-си мухбири Буюк Британия Бош вазири Тони Блэрни ёлғон ахборот тарқатганликда айблаб судга берди. Журналист шов-шув, сенсация кўтариб обрў орттириш учун бу жасоратга қўл урмади. Ҳукумат раҳбари парламентга нотўғри ахборот берди, халқни алдамоқчи бўлди, демак, у қонунан жавобгарликка тортилиши зарур. Инглиз журналисти бор-йўғи "Қонун олдида шоҳу гадо баробар" деган тамойилни эслатиб қўйди, холос.

Франция президенти Жак Ширакнинг қизи давлат маблағларини ўзлаштирганликда айбланиб, суд олдида жавоб берди. Сўроқ жараёнига ҳатто президентнинг ўзи ҳам чақирилди. Франция ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари бу ишни давлат раҳбарига хусуматлари борлигидан ёки халқ учун ишлаётганларини кўрсатиш учун қилишмади, албатта. Демократиянинг, умуман, тараққиётнинг темир талаби шу — қонун бузилдими, қонунбузар ким бўлишидан қатъий назар, қилмишига яраша жавоб бериши керак.

Бизда эса ҳали ҳуқуқий маданият у даражада шаклланмаган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги кафолатланган қонунлар қабул қилинади, бироқ кўп ҳолларда ҳуқуқи ҳимоя қилинган шахсларнинг ўзи қонундан бехабар бўлиб чиқади. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, ҳуқуқ ҳимоячиси бўлган шахсларнинг ўзи қонунни бузади. Энг ёмони, кўпчилигимиз бунга одатий ҳолдай, аслида ҳам шундай бўлиши зарур каби муносабатда бўламиз. Демак, ҳозирги даврда кишиларнинг қонунга, умуман, ҳуқуқ меъёрларига муносабатини ўзгартириш лозим. Қонун устиворлиги ва унга ҳурмат ҳуқуқий маданиятнинг ўзаги, десак хато бўлмаса керак. Қонун демократиянинг жамики талабларига жавоб берса-ю, амалга ошмай жилд-жилд тўпламу китобларда қолиб кетаверса, у жамият тараққиётига эмас, билъакс, таназзулига хизмат қилади. "Ҳақиқий маънода эркин ва фаровон яшашни истаган ҳар бир инсон қонунларга қул бўлиши керак", дейди қадим дунё мутафаккирларидан бири. Ҳақиқатан ҳам, ўз ҳуқуқини билган инсон ҳаётда камдан-кам қоқилади. Чунки қонун унга ҳам қурол, ҳам қалқон бўлиб хизмат қилади.

Ўрни келганда айтиш жоиз. Кишиларда юксак ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиришда оммавий ахборот воситалари, журналистларнинг ўрни катта. Лекин айни вақтда мамлакатимиз журналистларининг бу борадаги фаолиятига доир жуда кўп танқидий мулоҳазалар билдирилмоқдаки, булар асосли эканини эътироф этмасак, адолатдан бўлмас. Ҳозир айрим вазиятларда ўзгалар ҳуқуқини ҳимоя қилиши зарур бўлган журналистларнинг ўзи ҳимояга муҳтож бўлиб қолмоқда. Бунинг сабаби ҳам ўша — ҳуқуқий билимнинг етишмаслиги. Бундан бир муддат аввал Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази мамлакатимиз ОАВ фаолияти таҳлилига бағишланган ижтимоий сўров ўтказганди. Ўшанда иштирокчиларнинг 44 фоизи "Журналистларимиз ўз ҳуқуқини яхши биладими?" деган мазмунда берилган саволга "Йўқ" жавоб қайтарганди. "Журналистикамиз эркин фаолият олиб бориши учун нима муҳим?" деган мазмундаги саволга эса сўров қатнашчиларининг 3 фоизи ОАВ бўйича яна қонунлар зарурлигини, 70 фоизи янги қонун қабул қилиш шарт эмаслиги, асосийси, мавжуд қонунларга риоя этилиши лозимлигини билдирган. Демак, журналистикамизнинг ҳам равнақи барча соҳалар каби ҳуқуқий маданиятни тўла ўзлаштириш ва қонун устиворлигига эришишга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

**Шерзод ОХУНБОЕВ,**
**Фарғона Давлат университети**
**IV босқич талабаси**

## Таклиф

# Тешиктош очиқ музей бўлса...

**Маълумки, 1938 йил академик А. Окладников томонидан Тешиктош ғори ўрганилиб, ундан тош давридаги неандертал боланинг склети топилган ва М. Герасимов томонидан унинг ташқи кўриниши тикланган. Бу эса жаҳон археологияси ва антропологиясида янги саҳифани очди, десак лоф бўлмас.**

Ниҳоят, орадан 65 йил ўтиб, яна археология ва антропология фанининг кўзга кўринган олимлари Тешиктош ғорини мукаммал ўрганишни лозим деб топишди. Тешиктош ғорида иш олиб борадиган гуруҳга Россия ФАга қарашли археология ва антропология институтининг етакчи мутахассиси, тарих фанлари номзоди С. Гладишов бошчилик қилди. Бу жамоа олдига "Ўзбекистон — тош асрида" мавзусида тадқиқотлар олиб бориш вазифаси қўйилган. Биз ана шу илмий жамоа бошлиғи С. Гладишов билан мулоқотда бўлдик.

— Мачайдаги Тешиктош ғорининг жаҳон археология фанига киритган янгилиги ва унинг машҳурлиги фақатгина китоб саҳифаларида қолиб кетяпти. Ҳанузгача бу тарихий жойларга илмий жамоатчилик, талабалар, дунё сайёҳлари жалб қилинмаган. Ҳозир бозор шароити, балки имконият тўғри келмас. Нима бўлганда ҳам Тешиктош ғорини очиқ музей деб эълон қилиш керак. Бунинг учун йўлларни созлаш, сайёҳлик дастури ва бу ердаги тарихий жойлар харитасини яратиш лозим. Агар сайёҳлик учун яхшигина шарт-шароит яратилиб, қишлоққача транспорт ҳаракати йўлга қўйилса, ўзини англаган ҳар қандай хорижий сайёҳ Тешиктошга жон-жон деб келган ва биринчи неандертал одам топилган жойни томоша қилган бўларди. Тўғри, Сурхондарёда тарихий жойлар, археологик маконлар жуда ҳам кўп, лекин Тешиктош ғори дунёдаги мўъжиза маконларидан бири ҳисобланишини унутишга ҳаққимиз йўқ.

**— Қадимий топилмалар катта илмий аҳамиятга ва қимматга эга эканлиги аниқ. Бу топилмаларни жамоангиз Россияга олиб кетадими?**

— Тузилган шартнома ва илмий ҳамкорлик дастурига кўра бу нарса кўзда тутилмаган. Барча ноёб топилмалар Самарқанддаги археология институтига хатлаб топширилади. Биласизми, Ўзбекистоннинг кўп томлик тарихи яратиляпти. Бизнинг ҳамкорликдаги илмий ишларимиз натижалари ўша кўп томликнинг бирида ўз аксини топади. Биз биргаликда бундай хайрли ишларни қилаётганимиздан хурсандмиз.

**— Сиз ишлаётган институт раҳбариятининг Тешиктош ғорида тадқиқотлар олиб бориш хусусидаги фикри қандай?**

— Тешиктош ғори илмий тадқиқотлардаги кўпгина кемтик жойларни тўлдириб, фан учун ҳали кўпгина янгиликларни инъом этади, деган умиддамиз. Агар бунга ишонч бўлмаганда эди, салкам 3000 км йўл босиб бу ерга келмаган бўлардик. Яна бир гап, раҳбаримиз академик А. Деревянко Новосибирскдан бу ерга, яъни Тешиктошга келиб, ҳаммасини ўз кўзи билан кўргач, Ўзбекистонда илмий тадқиқотларини давом эттириш лозим ва бу жаҳон фанига ҳали кўпгина янгиликларни тортиқ этади, деган қатъий фикрни билдирди.

**— Сизларни бу тоғларда яна қандай ғорлар ва археологик маконлар қизиқтирди? Агар сир бўлмаса, шулар ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.**

— Биласизми, Бойсун тоғ тизмаларида жуда кўплаб сирли ғорлар мавжуд ва уларни ҳаммасига бориш ва кўздан кечириш имконияти йўқ. Чунки бизнинг вақтимиз чегараланган. Илмий жамоамиз билан юқори, ўрта ва қуйи Мачайдаги 10 га яқин табиий ғорларда бўлиб, уларнинг тузилиши билан қизиқдик. Ғорларнинг кўпчилиги тоғнинг терскайга томонида жойлашган. Қишда бу ерлар жуда совуқ бўлади. Шу сабабли ҳам бу ғорларда қадимий одамлар яшашмаган. Мачай қўрғонидаги ғорга келсак, жуда қизиқарли. Шундай баландликда қўрғоннинг деворлари яхши сақланган. Ўчоқлардаги куллар кечагидек турибди. Лекин бу бизнинг соҳамизга кирмайди. Уни вақтида академик У. Исломов етарлича ўрганиб чиққан. Агар лозим топилса, олимлар бу мавзуга яна қайтишади, деган умиддаман.

**— Сиз яна қандай чет мамлакатларда халқаро экспедицияларда иштирок этгансиз?**

— Унчалик кўп мамлакатларда бўлмаганман. Куба, Монголия, Қозоғистонда тош асрига оид тадқиқотлар қилганмиз. Биз учун Тешиктошдаги ишлар муҳим саналади. Бу ердан Новосибирскка қайтиб боргач, Россия Фанлар Академиясининг "Жанубий ва Марказий Осиё археологияси, антропология ҳамда этнографияси" номли журналда ўз ҳисоботларимиздан намуналар эълон қилмоқчимиз.

***Мухбир изоҳи:***

*Ҳар йили Ватанимизда, жумладан, Сурхондарё вилоятида бир қанча халқаро экспедиция аъзолари иш олиб боришади. Бундан биз ғурурланамиз. Демак, жаҳон илмий жамоатчилигининг Ўзбекистонга ва унинг тарихига бўлган қизиқиши кун сайин, ой сайин ортиб бормоқда. Изланиш бор жойда янгилик бўлади, кашфиётлар яратилади. Тарихдаги, археология ва антропология фанидаги кемтиклар тўлдирилади.*

*Россиялик меҳмоннинг Тешиктош ғорини очиқ музейга айлантириш ва жаҳон сайёҳларини жалб этиш борасидаги таклиф ва мулоҳазалари жуда ўринли деб ўйлаймиз. Хайрли ишнинг эрта-кечи бўлмайди. Биз эса яқин келажакда биргина меҳмонлар таклифи эмас, бутун бошли Бойсун халқининг бу борадаги орзу-ниятлари амалга ошади, деган умиддамиз. Бунинг учун озгина туртки керак, холос.*

**Сафар ОМОН**

## Спорт

# «Аълочиларга каратэ текин ўргатилади»,

### *— дейди «Билол-каратэ» спорт клуби раҳбари*

**Каратэ оммавийлиги бўйича футбол билан ёнма-ён туради, десам муболаға бўлмас. Республикамизда биронта вилоят, шаҳар, туман йўққи, у ерда каратэ мухлислари бўлмаса. Балки шу боисдандир, охирги бир неча йил ичида каратэчиларимиз мисли кўрилмаган ғалабаларга эришдилар. Шундай қисқа вақтда камдан-кам мамлакат биздек кўрсаткичларга эга бўлган. Буни чет эллик машҳур мутахассислар ҳам эътироф этишяпти. Энди жаҳоннинг энг кучли жамоалари ҳам бизга ҳурмат билан қарай бошлашди. Халқаро мусобақаларда номдор спортчилар билан тенгма-тенг кураша оладиган ёш спортчилар гуруҳи етишиб чиқди. Албатта, бундай абжир ва матонатли каратэчилар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Истеъдодли ёшларни топиш, уларни етук спортчи қилиб тарбиялаш учун озмунча тер тўкиш керакми? Маълумот олиш учун пойтахтимиздаги Кўкча-Оқтепа қурилиш базасида фаолият кўрсатаётган «Билол-каратэ» спорт клуби раҳбари Билолиддин Зайниддиновга мурожаат қилдим.**

— Клубимиз нодавлат-нотижорат ташкилот мақомига эга. Шаҳар адлия бошқармасида расман 2002 йилнинг августида рўйхатга олинганмиз, — дейди у. — Клуб ёши 5 яримдан ошган болаларни ўз сафига қабул қилади. Номзодларнинг ҳар бири тиббий кўрикдан ўтганлиги ҳақида маълумотнома топширишлари шарт. Ҳозир бизда 100 га яқин бола машғулотларга қатнашмоқда. Ҳар ойи учун белгиланган 3000 сўм бадал пули, асосан, ижара ҳақига, солиққа, кам таъминланган оила фарзандлари учун спорт кийимлари сотиб олишга сарф этилади. Яна спорт анжомларини ҳам ўзимиз харид қилишимизга тўғри келади. Шуни таъкидлаб ўтишим керакки, мактабда «аъло» баҳоларга ўқийдиган бола бадал пули тўлашдан озод этилади. Шогирдларимизнинг фақатгина кучли, жасур ва чаққон бўлиб эмас, билимли ва идрокли инсон бўлиб етишишларини ҳам истаймиз. Рағбат бўлса, болада интилиш кучаяди. Келажакда маҳалламиз ҳудудида спорт мажмуаси қуриш орзуимиз бор. Бу ерда ёшу қари саломатлигини тиклаш учун зарур бўлган шароитни яратиш биринчи галдаги вазифа бўлиб қолиши керак, деб ўйлаймиз. Буни амалга ошириш машаққатли иш эканлигини яхши тушунамиз. Лекин халқимиз айтганидек, «яхши ният — ярим мол». Ҳарқалай, ўша кунлар келишига умид қиламиз. Лекин кўнгилни хира қиладиган нарсалар ҳам бор. Ҳозир ёмғирдан кейин чиқадиган қўзиқорин каби сохта тренерлар кўпайиб кетди. Улар мактаб заллари ёки бошқа биноларни ижарага олиб, атрофига болаларни йиғишади. Қўлида махсус рухсатномаси бўлган тажрибали мураббийлар булардан мустасно. Ҳали ўзи шогирд бўла туриб, ҳеч қандай лицензиясиз иш юритаётган тажрибасиз «устоз» ларда талаб қилинадиган етарли мураббийлик малакаси борми? Улар болаларнинг руҳий ва жисмоний хусусиятларини яхши билишадими? Қайси ёшда қандай машқлар ўтказиш кераклигини англай олишадими? Ахир, гап болалар соғлиғи, тақдири ҳақида кетяпти. Жисмоний зўриқиш, ортиқча талаб бола соғлиғига жиддий зарар етказиши мумкин. Бирор жойни ижарага бераётган одам «тренер»дан ҳужжат талаб қилишига кўзим етмайди. У қонунийликка эмас, олдида турган одамнинг қўлига қарайди. Ота-оналар мени кечиришсин-ку, фарзандлари «Мен каратэ тўгарагига бормоқчиман, фалон сўм пул беринг» дейишса, «йўқ» дейишмайди, лекин ҳеч бўлмаса, мураббий билан танишиб олиш кераклигини хаёлларига ҳам келтиришмайди. Каратэ пул эвазига муштлашишни ўргатадиган спорт тури эмас. Унинг мақсади биринчи галда инсонда иродани, интизомни тарбиялаш. Болага кучни эмас, инсонни ҳурмат қилишни ўргатмоқ зарур. Мураббий бу борада керак бўлса, файласуф бўлиши керак. Бунга юзаки қараб бўлмайди. Мақсад пул ишлаш бўлса, тижорат билан шуғулланиш керак. Моддий манфаатдорлик асосий вазифа қилиб қўйилдими, мураббий ва шогирд муносабатига путур етди, деяверинг. Бундай мутахассисни келажакда юрт шарафини халқаро мусобақаларда ҳимоя қилиши мумкин бўлган истеъдодли болалар тақдири қизиқтирмайди.

Клубнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида қизиқиб савол берганимда, қуйидаги маълумотларни олдим.

Каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони деган шарафли унвонга сазовор бўлган 20 дан ортиқ спортчи айнан шу клуб тарбияланувчилари экан. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чемпионатида «Билол-каратэ» спорт клуби вакиллари совринли ўринларни қўлга киритишган. Қизиғи шундаки, ютуқларга четдан ҳеч қандай ёрдамсиз, ота-оналар ва ўз кучлари билан эришганлар. Шу ерда ўз-ўзимга савол бераман. Агар клуб ўз кучига таяниб шундай муваффақиятларга эришган бўлса, бирор ҳомий томонидан қувватланганида натижа қанақа бўларкин? Спортнинг қайси тури бўлишидан қатъий назар, истеъдодларга етарли даражада кўмак берсак, юртдошларимиз орасида Осиё ва жаҳон чемпионлари янада кўпайган бўларди.



Биз бу борада айни шу мақсадда тузилган Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси яқиндан кўмак беради, деб умид қиламиз.

**Ҳусниддин ПИРМУХАМЕДОВ**
**Тошкент вилояти Зангиота тумани**

